

Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 23 апрель, сешанба, №45 (3391).



САДИР ЖАПАРОВГА – ОЛИЙ МУКОФОТ

САДИР ЖАПАРОВ I ДАРАЖАЛИ «ДОСТЫҚ» ОРДЕНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Давлат раҳбари Қирғизистон Республикаси Президенти Садир Жапаровга I даражали «Достық» ордени топширди.

Маросимда Қасим-Жўмарт Тўқаев Садир Жапаров икки томонлама муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшаётганини таъкидлади.

– Қирғизистон азалий қардошимиз. Энг яқин ва ишончли стратегик ҳамкоримиз. Икки халқнинг қардошлиги ўзаро манфаатли муносабатларнинг олтин халқасидир. Сиз бу ишга улкан ҳисса қўшмоқдасиз. Мен буни юксак қадрлайман, – деди ҚР Президенти.

Давлат раҳбарининг сўзларига кўра, Қозоғистон Қирғизистон билан стратегик шериклик ва иттифоқчиликка асосланган ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдор.

– Шу муносабат билан сизни I даражали «Достық» ордени билан тақдирлашга қарор қилдим. Бу алоҳида эҳтиром ва самимий миннатдорлик рамзидир. Ишончим комилки, ушбу мукофот икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Қозоғистон ва Қирғизистон дўстлиги абадий давом этсин! – деди Давлат раҳбари.

Садир Жапаров Қ. Тўқаевга самимий миннатдорчилик билдириб, икки давлат ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш учун барча сай-ҳаракатларини амалга оширишга тайёрлигини маълум қилди.

ПРЕЗИДЕНТЛАР ҚЎШМА БАЁНОТ БЕРДИ

МАРОСИМДАН СЎНГ ҚАСИМ-ЖЎМАРТ ТЎҚАЕВ ВА САДИР ЖАПАРОВ ОАВ ВАКИЛЛАРИ УЧУН БРИФИНГ ЎТКАЗДИ

Икки томонлама музокаралар ва Олий давлатлараро кенгаш мажлиси якунлари бўйича Қозоғистон ва Қирғизистон президентлари оммавий ахборот воситалари учун қўшма баёнот берди.

Қ. Тўқаев Қирғизистон Президентининг ушбу ташрифи икки давлат учун жуда муҳим эканлигини таъкидлаб, тарихий келишув имзоланганини маълум қилди.

– Бу – Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасидаги иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш тўғрисидаги битим. Мазкур ҳужжат ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга кенг йўл очади. Бу ҳар икки давлат манфаатларига тўлиқ жавоб беради. Яъни, асрлар давомида шаклланган қардошлик ришталарини сақлаб қолиш имконини беради. Садир Нурғўжоули мамлакатларимизнинг аънавий дўстлиги ва қўшничлиги муносабатларини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшди. Бунинг учун азиз ҳамкасбимга миннатдорчилик билдираман, – деди Давлат раҳбари.

Президентнинг сўзларига кўра, томонлар икки томонлама ҳамкорлигининг долзарб масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашиб, аниқ ва муҳим келишувларга эришдилар.

Қ. Тўқаев Олий давлатлараро кенгаш мажлисида маданий-инсонпарварлик алоқалар алоҳида таъкидланганини айтиб, шу кунларда Астана шаҳрида ўтаётган маданий тадбирлар умумий маънавий кадриятларни янада бойитишга ишонч билдирди.

– Икки қардош давлатни яқинлаштирадиган кадриятлар чуқур илдишларга бориб тақалади. Халқларимиз тарихий, маданий ва маънавий келиб чиқиш муштаракдир. Жамбил билан Тўқтагул, Кенен ва Усманқулнинг чинакам дўстлиги қозоқ-қирғиз муносабатларини мустаҳкамлади. Қирғиз даштида туғилиб, ҳар икки давлатда тенг ҳуқуқли меҳнат қилган фуқаролар жуда кўп. Қозоқ ёзувчилари «Инсониятнинг Айтматови» дея эътироф этган забардаст адибнинг асарларини ўқимаганлар кам. Мухтар Ауезов асарларини экранга чиқаришда қирғиз давлатчилигининг барпо этилишига катта ҳисса қўшган инсонлар Алаш ғоясига содиқ бўлдилар. Дунёда энг йирик дoston сифатида тан олинган «Манас» достони бутун туркий халқларнинг бебаҳо хазинаси ҳисобланади. Манас қардош қирғиз халқининг муборак бирлиги рамзидир. Хабарингиз бор, бундан уч йил муқаддам Бишкекда Абай ҳайкали, Астанада Манас ва Чингиз Айтматов ҳайкаллари ўрнатиш бўйича келишувга эришган эдик. Шу муносабат билан бугун Астанада машҳур Манас ҳайкали очилади. Муштарак тарихимизга эҳтиром кўрсатаётгани, Қирғизистоннинг маданий меросини намён этаётгани учун Садир Нурғўжоули ва бутун қирғиз халқига самимий миннатдорчилик билдираман, – деди Давлат раҳбари.

Қабулга аввалдан ёзилиш 8(72533) 5-98-99, 5-93-97 алоқа телефонлари ҳамда «Е-өтііш» ахборот тизими орқали соат 09.00дан 19.00 оралиғида (тушки танаффус соат 13.00-15.00)гача амалга оширилади.

Akorda.kz.

ВИЛОЯТ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Қозоғистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 мартдаги 826-сонли «Ҳокимларнинг аҳоли билан учрашувларини ўтказиш тўғрисида» Фармони-нинг ижроси доирасида Туркистон вилояти ҳокими Дархан Амангелдиули Сатибалдиннинг Мақтаарал тумани аҳолиси билан учрашуви 2024 йил 3 май куни соат 11.00да Маданият уйи биноси (Мирзакент қасабаси, С. Қўжанов кўчаси, 17-уй)да, шунингдек, минтақа раҳбарининг шахсий қабули «Ёшлар имконият маркази» биноси (Мирзакент қасабаси, С. Жаштаев кўчаси, 81-уй)да соат 12.00да ўтади.

Қабулга аввалдан ёзилиш 8(72533) 5-98-99, 5-93-97 алоқа телефонлари ҳамда «Е-өтііш» ахборот тизими орқали соат 09.00дан 19.00 оралиғида (тушки танаффус соат 13.00-15.00)гача амалга оширилади.

Тегишли ташкилотларнинг иштирокини таъминлаш ҳамда бевосита алоқа ўрнатиш мақсадида ариза берувчининг исми-шарифи, савол мазмуни, манзили, алоқа телефони ҳамда электрон почтаси (мавжуд бўлса) аниқ кўрсатилиши шарт.

»» Президент

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ КУН ТАРТИБИДА



ҚАСИМ-ЖЎМАРТ ТЎҚАЕВ ВА САДИР ЖАПАРОВ ҚОЗОҒИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ОЛИЙ ДАВЛАТЛАРАРО КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Тадбирда сўзга чиққан Қозоғистон раҳбари ўз нутқида қозоқ-қирғиз халқлари ўртасидаги ҳамкорлик стратегик шериклик руҳида ривожланиб бораётганини таъкидлади.

– Иттифоқчилик муносабатлари мустаҳкамланди. Бугун биз икки томонлама алоқаларни ривожлантириш учун кенг имкониятлар очадиган тарихий шартномани имзолаймиз. Ишончим комилки, Олий давлатлараро кенгаш мажлиси ҳамкорлик йўналишларини янада кенгайтиришга хизмат қилади ва шериклигимизни янги босқичга кўтаради, – деди Қозоғистон Президенти.

Ўз навбатида, Қирғизистон Республикаси Президенти ҳамкорликни кенг қўламли йўналишларда янада чуқурлаштириш муҳимлигини таъкидлади.

– Бугунги тадбир қирғиз-қозоқ муносабатларини янада мустаҳкамлайди. Музокараларимиз аънавий иттифоқчилик ва стратегик алоқалар руҳида ўтаётгани кувонарлидир. Қирғизистон Қозоғистон билан икки томонлама алоқаларни чуқурлаштиришга қаратилган ташқи сиёсат юритмоқда. Бир-биримизни қўллаб-қувватлашимиз, муаммоларни биргаликда ҳал қилишимиз муҳим. Қирғизистон ижро ҳокимияти органлари икки давлат ўртасидаги Олий давлатлараро кенгаш қарорларини амалга ошириш юзасидан тегишли чоралар

кўрмоқда. Ишончим комилки, бу учрашувлар ўзаро ҳамкорликка янги суръат бағишлайди, – деди Садир Жапаров.

Бундан ташқари, музокараларда агросаноат соҳасидаги имкониятлар муҳокама қилинди.

– Ўтган йили икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 10 фоизга ошиб, 300 миллион долларга етди. Мамлакатларимиз учун ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, қўшма корхоналар очиш, илмий-тадқиқот институтлари ўртасида алоқа ўрнатилар жуда муҳим. Шу муносабат билан ҳар икки давлат Ҳукуматларига Йул харитасини қабул қилиш вазифаси қўйилди, – деди Қ. Тўқаев.

Президентнинг сўзларига кў-

Akorda.kz.

ЎЗБЕКИСТОНДАН – «МЕҲР КАРВОНИ»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАН 15та ЮК МАШИНАСИДА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ КЕЛДИ



Сув тошқинидан жабрланганларга мамлакатимиз зудлик билан ёрдам қўлини чўзди. Шунингдек, оғир дамларда бошқа вилоятлар қатори қўшни давлатлар ҳам ёрдам бермоқда. Ўтган яқшанба куни Ўзбекистондан Қозоғистонга 15та юк машинасида инсонпарварлик ёрдами етиб келди.

Уни Келес тумани ҳудудида Туркистон вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Зулпихар Жўлдасов, Келес тумани ҳокими Жанибек Ағибаев ва махсус кузатув хизмати ходимлари Б. Қўнисбаев божхона бекатида қабул қилди. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари қўшни давлатдан кўрсатилётган бу ёрдам учун миннатдорчилик билдирди.

Ушбу инсонпарварлик ёрдами карвони Туркистон вилоятининг Тулкибош туманидан Жамбил вилояти чегарасигача кузатиб борилди.

Бундан ташқари, Жамбил вилоятининг Шақпақ ота қишлоғида қабул қилиниб, Жуали тумани, Тараз шаҳри, Мўйинқум тумани, Турар Рисқулов, Шиганақ аҳоли манзилларидан Қарағанди вилоятининг Саришаған аҳоли манзили, Балхаш ва Қарағанди шаҳарларига етказилади.

Туркистон вилояти фавқулдда вазиятлар бошқармаси ходимлари уларга Қарағанди вилоятигача ҳамроҳлик қилади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



• Обуна–2024

Қадрли газетхон!
«Жанубий Қозоғистон»
рўзномасига обуна бошланди.

Ҳиммат кўрсатаман, деганлар нафақадорлар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларни газетлага обуна қилишда ҳоимийлик қилишлари мумкин.

Ягона мақсадимиз – газетанинг

ададини ошириб, кейинги авлодга ёруғ юз билан етказиш. Бунинг учун миллий гурури юксак инсонлар сафини кенгайтириш лозим. Ана шу эзгу мақсад йўлида барчамиз бир тан, бир жон бўлиб, аҳилликда бирлашсак, нур устига аъло нур бўларди. Токи тарих, маданият, маърифатни улуглаган халқимизнинг зиёга чанқоқлиги барчага ибрат бўлсин.

6 ойга обуна баҳоси:

«Қазпошта» ҲҲ орқали – Туркистон вилояти бўйича – 3415,50 тенге;
Шимкент шаҳри бўйича – 3095,15 тенге.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466



▼ Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:



ЧИГИРТКАГА ҚАРШИ КУРАШ БОШЛАНДИ

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди штаб аъзолари билан Арис шаҳрига бориб, қишлоқ хўжалик экинлари учун хавф туғдираётган Мароқаш чигирткасига қарши курашнинг бориши билан танишди.



Мутахассислар, масъул пудратчилар ҳамда Қозоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Агросаноат мажмуаси давлат назорати кўмитаси, вилоят ҳудудий инспекцияси раҳбари билан бирга ишлов берилган ҳудудларга бориб, биологик самарадорликни назорат қилган ҳоким вилоят ҳудудий инспекцияси раҳбарлари билан учрашди.

Вилоят ҳокими бир неча кун аввал бошланган кимёвий ишлов бериш тадбирларига масъул ташкилотларнинг фаолиятини танқид қилди.

Пестицидларни харид қилиш ва уларни сақлаш, ташиш, қўллаш бўйича хизматлар кўрсатиш, чигирткалар ҳужумидан ҳимоя қилиш тадбирларини ташкил этиш республика бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Республика бўйлаб чигирткага қарши курашга ҚР Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Агросаноат мажмуаси давлат назорати кўмитаси масъул.

— Шу кунларда юртимизда қишлоқ хўжалиги зараркундалари кенг тарқалгани инобатга олиниб, кимёвий кураш олиб борилаётган майдонларда асосий эътибор мароқаш чигирткасига қаратилмоқда. Чигиртканинг бу тури кенг тарқалган майдонларнинг аксарият қисми давлатлараро трансчегаравий ҳудудларга тўғри келади. Тахминларга кўра, бу йил зараркундаларнинг тарқалиш майдони ўтган йилга нисбатан бир неча баравар ортиб, 270 минг гектардан ошган. Келгуси йили бундай майдонларни 3 баравар қисқартириш, бунинг учун қишлоқ хўжалиги зараркундаларига қарши тадбирларга кенг қўллаш таъйёрлик кўриш зарур, — деди минтақа раҳбари.

Вилоятда кимёвий ишлов бериш тадбирларини 25 кун ичида якунлаш режалаштирилган. Вилоят ҳокими бу ишларни 10 кунда якунлашни топширди. — Бунинг учун етарли маблағ ажратилди. Зарур бўлса, қў-

шимча техникаларни сафарбар қилинг. Мажбуриятни зиммангизга олдингиз. Агар зараркундаларни вақтида йўқ қила олмасангиз, деҳқонларга етказилган зарарни қоплайсизлар, — деди Дархан Сатибалди ва масъул раҳбарларга кўрсатмалар берди.

Туркистон вилояти Мароқаш чигирткаси кенг тарқалган ҳудуд ҳисобланади. Хусусан, асосий ўчоқлар Арис, Саригоч, Келес туманлари бўлиб, кейинги йилларда улар Байдибек, Ўрдабоши, Қазигурт, Тўлебий, Саврон, Чордара ва Ўтрор туманларида ҳам топилган.

Март ойи охири ва апрель ойининг ўрталарида пайдо бўладиган чигирткалар барча қишлоқ хўжалиги экинларига зарар етказиши. Оммавий кўпайиш даврида чигирткалар ҳатто турли дарахтларнинг барглари билан ҳам озиқланади.

Мутахассисларнинг фикрича, чигиртка каби зараркундалар билан курашнинг ягона йўли эрта хабардорлик ва олдини олиш ҳаракатларидир. Бу жараён кўшни давлатлар билан ҳам яқин ҳамкорликни талаб этади, чунки чигиртка чегара билмайди.

Фитосанитария тадбирларида 20дан зиёд ишчи гуруҳ, 40 нафар инспектор, бошқа вилоятлардан 100га яқин мутахассислар, тахминлаш маркази ҳамда туман ва шаҳар ҳокимликларидан қўшимча 245 нафар назоратчи иштирок этмоқда.

Кимёвий тозалаш ишлари бўйича пудратчи сифатида «SATTI TULIK» ва «Защита Растений-К» МЧБ, тайёрларда ишлов бериш бўйича «Авиакомпания Дельта-ЮГ» тендер голиби деб топилди.

»» Меҳр қарвони

ТОЖИКИСТОНДАН – 3500 ТОННА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ



Ўтган яқшанба куни Тожикистон Республикасидан сув тошқини туфайли Фавқулодда вазиятлардан жабр кўрган Қозоғистон халқига жўнатилган 61 вагон инсонпарварлик ёрдами қабул қилинди.

Юк Туркистон вилояти, Саригоч тумани, «Саригоч» вокзалига етиб келди. Шу билан бирга, мамлакатимизга Тожикистондан 15та юк машинасида озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келинди. Тожикистондан жами 3500 тонна инсонпарварлик ёрдами олинди.

«Меҳр қарвони»ни Тожикистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси кўмитаси раиси, милиция генерал-полковниги Рустам Назарзода олиб келди. Инсонпарварлик ёрдами ҳақидаги ҳужжатни Тожикистон Респуб-

ликаси Ҳукумати ҳузуридаги Давлат моддий захиралар агентлиги директори ўринбосари Соҳиб Зийдуллоев тантанали равишда топширди. Делегацияни Қозоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири ўринбосари Серик Тўленбергенов ва Туркистон вилояти ҳокими ўринбосари Бейсенбай Тажиев бошчилигидаги гуруҳ қўшиб олди.

Вилоят ҳокими ўринбосари Тожикистон халқига миннатдорчилик билдирди.

Ушбу тадбирда Саригоч туманидаги тожик миллиати вакиллари, Саригоч тумани оқсоқоллари, онахонлар ҳам иштирок этди.

Озиқ-овқат ва қурилиш материаллари ва юкланган инсонпарварлик қарвони сув босган ҳудудларга йўл олди.

»» «Тоза Қозоғистон»

Келес туманидаги Ш.Уалиханов номидаги 31-умумтаълим мактаби ўқувчилари 1-13-асрларга оид тарихий ёдгорликлар топилган ҳудудда шанбалик ўтказишди.

«Тоза Қозоғистон» — атрофимиз озодлигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган улкан лойиҳа. Ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантириш, авваламбор, ўқи-

ТОЗАЛИК – ҲАЁТ КЎРКИ

тувчиларнинг бурчидир. Ушбу акция бошланганидан буён мактабимизда тозалаш ишлари олиб борилмоқда, — дейди мактаб раҳбари.

Таъкидлаш жоизки, ушбу таълим муассасасида 150дан зиёд осори-атиқага эга тарихий музей фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда қорахонийлар

даврга оид ноёб қулоччилик буюмлари ҳам сақланади.

Акция доирасида Келес тумани ҳудудида оммавий тозалаш тадбирлари ташкил этилмоқда. Унда маҳаллий аҳолидан ташқари давлат хизматчилари ва коммунал муассасалар ходимлари ҳам иштирок этмоқда.

«Тоза Қозоғистон» республика акцияси доирасида Сўзоқ туманидаги барча қишлоқ ва аҳоли манзилларида умумхалқ шанбаликлари ташкил этилди. Тадбирда туман ҳокимлигининг барча ходимлари, фаол ёшлар, қишлоқ аҳли иштирок этди.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ўз назоратига олган туман ҳокими Мухит Турисбеков нутқ сўзлаб, айни кунларда ҳаво ҳарорати исиб инсонлар қалбига илиқлик олиб келган бир вақтда, «Тоза Қозоғистон» акцияси доирасида ташкил этилаётган шанбаликларда фаол иштирок этаётган турли ёшдаги фуқароларга миннатдорчилик билдирди. Келажакда давом этадиган шанбаликда кўпчиликка намуна бўлишларига ишонч билдирди. Шунингдек, дарахт ўтказиш ишларида ҳам фаол иштирок этишга чақирди.

Туман ҳокимлигининг ташкилотчилигида кенг миқёсда умумхалқ шанбалиги ташкил этилди. Бу сафар тозалик ишларига чиққан кексаю ёш,

маҳалла фаоллари, ташкилотлар, хонадон эгалари тумандаги марказий кўчалардан ташқари, йўл ёқасидаги дарахтларга шакллари бериб оқлашди, бегона ўтлар олиб ташланди, деворларга ранг берилиб, шу кун туманининг барча ҳудудлари чинакам меҳнат майдонига айланди.

Тадбирда иштирок этган вилоят маслаҳати депутати Бегимбет Байғараев тозалаш ишларининг бориши билан яқиндан танишиб, тадбирни қўллаб-қувватлашни маълум қилди.

— Туманининг шу қадар кўркаллашганлигини кўриб, аҳоли дил каломларини изхор этмоқда. Айниқса, сўзоқликлар шаҳар, даҳа ва мавзёларни кўкаламзорлаштиришга кўпроқ эътибор қаратиб, ободонлаштириш тадбирига куч-ғайратини сафарбар этмоқда.

САРИШТАЛИК – БАРАКА ГАРОВИ

Шунингдек, тумандаги давлат муассасалари, мактаблар, таълим даргоҳлари ҳамда туман аҳолиси тадбирда фаол иштирок этмоқда. Ҳар қандай манзилнинг тозалиги шу ерда истиқомат қилаётган аҳоли маданиятининг қай даражада эканлигини кўрсатади, бу ишга доим масъулиятли бўлайлик, — деди у.

Шунингдек, Туркистонга олиб борувчи йўл бўйидаги «Яшил белбоғ» ҳудудида махсус панжаралар ўрнатилди, кўчатлар суғорилди. Бугунги кунда «Яшил белбоғ» майдони 5 қақиримга кенгайди ва унинг атрофида 7500 метрдан зиёд панжара ўрнатилди.

Шанба куни ўтган умумхалқ ҳашарига жами 1450 киши ва 18та махсус техника сафарбар қилинди. 35 қақирим кўча, 22 қақирим пиёдалар йўлакларини тартибга келтирилди.

ПАРИЖ ОЛИМПИАДАСИГА ЙЎЛЛАНМА ОЛДИ



Қозоғистонлик спортчилар академик эшак эшиш бўйича Париж Олимпиадасига илк йўлланмани қўлга киритди.

Жанубий Кореянинг Чунгжу шаҳрида ўтаётган Осиё китъасининг лицензия баҳсларида Владислав Яковлев ғалаба қозонди.

Терма жамоа спортчиси 2000

метр масофани босиб ўтишда яхши натижага эришди. Владислав Туркистон вилоят сув спорти мактаби спортчиси.

Ҳозирда Қозоғистон терма жамоасининг лицензиялари сони 43тага етди.

Кореяда пара академик эшак эшиш бўйича саралаш мусобақалари ўтказилди. Туркистонлик Темирхан Дайирбек

«Pr1m1X» мусобақасида Париж Паралимпия уйинларига йўлланмани қўлга киритди.

Бугунги кунга қадар Туркистон вилояти Париж Олимпиадасига 4та йўлланмага эга. Шу билан бирга, Париж Паралимпия уйинларига 2та йўлланма қўлга киритилди. Йўлланмаларнинг тўрттаси эшак эшувчилар ҳисобиди.

ТУРКИСТОНЛИК МЕРГАНЛАР – ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Шимкент шаҳрида от устида чопиб кетаётиб камондан ўқ узиш бўйича катталар ўртасида Осиё чемпионати ўтди. Мусобақаларда китъанинг 14 давлатидан 60 нафар спортчи беллашди.



Қозоғистон терма жамоаси таркибида 6 нафар спортчи иштирок этди. Улар орасида Туркистон вилоятидан 3 нафар спортчи беллашди ва мамлакат чемпионлигини қўлга киритди. Туркистонлик Батир Бексаут «туркча» услубда олтин медални қўлга киритган бўлса, «можар» услубида кумуш медалга сазовор бўлди. Ералхан Айқўз эса «можар» ва «корей» услубларида бронза медалини қўлга киритди. Шу тарихи Қозоғистон терма жамоаси спортнинг ушбу тури



бўйича миллий мусобақада умумжамоа ҳисобида 2-уринни эгаллади.

Қайд этиш жоизки, Осиё чемпионатида юртимиз шарофтини ҳимоя қилиб, медалларни қўлга киритган спортчиларнинг барчаси Туркистон вилоят миллий спорт мактаби тарбияланувчиларидир.



ЮРТИНГ ОБОД – ДИЛИНГ ОБОД

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди шаҳарсозлик инфратузилмаси ва минтақанинг сайёҳлик салоҳиятини ривожлантириш мақсадида Таукехан шоҳқўчасида жойлашган қурилиш майдонларида бўлди.

Даставвал, шаҳардаги “Маданият уйи” иморатининг қурилиши билан танишди. Янги иншоот жорий йилда фойдаланишга топширилади. “Сельмаг” сув жамлаш иморатини қайта қуриш бўйича ҳам ишлар юритилмоқда. Лойиҳа қиймати – 1651,8 млн. тенге.

Қўҳна шаҳарда “Ешлар имконият маркази”нинг қурилиши ҳам жадал юритилмоқда. Янги иншоотда ҳордиқ худуди ва электрон кутубхона ўрин олди. 80 кишига мўлжалланган кўптармоқли зал ва замонавий тренажёрлар билан жиҳозланган кичик спортзал, тўғаракка мўлжалланган хоналар ҳам кўзда тутилган.


Дархан Сатибалди масъул раҳбарлар ва пудратчиларга фаолиятини сифатли ҳамда ўз вақтида амалга оширишни топширди. Шунингдек, ёшларга мўлжалланган марказни зарур ускуналар билан жиҳозлашни ҳам юқлади.

Шу кунларда Туркистон шаҳрининг қайси бир гўшасига назар солманг, улкан яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларига кўзингиз тушади. Хусусан, асрлар давомида эъозланиб келаётган археологик ёдгорликлар ва маънавий обидаларга ҳам қайта жон бахш этилмоқда.

Вилоят ҳоқимининг матбуот хизмати.

»» Саломатлик – туман бойлик

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА



Вилояти тиббиёт ходимларига амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида жойларда кўча мониторинг ўтказилди. Тадбирга Алмати шаҳридаги «Педиатрия ва болалар жарроҳчилиги» илмий марказининг бир гуруҳ мутахассислари ташриф буюришди. Вилоят ҳоқими ўринбосари Бейсенбай Тажиббаев раислигида йиғилиш ўтиб, болаларга тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш борасидаги ишлар натижалари муҳокама қилинди.


Учрашувда профессор, ҚР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг штатдан ташқари бош неонатал жарроҳи, “Педиатрия ва болалар жарроҳиси илмий маркази” ХЖ клиник ишлар бўйича бошқарма раисининг ўринбосари, гуруҳ раҳбари Асилжан Ерекешов таҳлил натижаларини тақдим этди. Унинг таъкидлашича, текширув давомида қатор камчиликлар аниқланиб, тушунтириш ишлари олиб борилган.

Шунингдек, С. Асфендияров номида-

ги ҚозМФАсининг “КЕАҚ неонатология” кафедраси мудир, м.ф.д. Нишангул Бўжбанбаева маъруза қилди, мониторинг гуруҳи аъзолари ҳам фикрларини ўртага ташлади. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбари Асхан Байдувалиев вилоятда амалга оширилаётган ишларга тўхталиб, йиғилишга яқун ясади.

Вилоят ҳоқимининг матбуот хизмати.

»» Хотира – абадий, қадр – муқаддас!



Совет адабиётининг таниқли вакили, Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, драматург, улкан қалб эгаси, халқимизнинг асл фарзандларидан бири Туроб Тўла (Туроб Тўлаҳўжаев) 1918 йил 24 декабрда Қазигурт тумани, Турбат қишлоғида деҳқон оиласида туғилиб, болалар уйида тарбияланди.

ЗАБАРДАСТ ВА БЕТАКРОР ШОИР ЭДИ

1938-1941 йилларда Тошкент педагогика институтини тахсил олди. Шу билан бирга, “Еш куч” журнали, “Еш ленинчи” газеталарида фаолият юритди. Сўнгра Ўзбекистон Давлат нашриётида муҳаррир, Ўзбекистон радиосида бўлим бошқарувчиси, “Ўзбекфильм” киностудиясида адабий бўлим мудир, Республика киночилар уюшмаси котиби, Санъат ишлари бошқармаси бошлиғи, Ҳамза номидаги драма театри директори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги адабиётни тарғиб этиш Маркази раҳбари каби масъул лавозимларда фаолият юритди.

Унинг дастлабки шеърлари тўплами 1939 йил нашр этилган. Шоирнинг “Шодлигим” (1941), “Таббасум” (1944) тўпламларидаги шеърлари қаҳрамон жангчиларга бағишланган.

»» Саховат

ҚОРАБУЛОҚЛИКЛАР ҲИССАСИ



ҚР Президенти Қ. Тўқайевнинг элимизнинг шимолий ва ғарбий минтақаларида рўй берган табиий офатдан жабр кўрганларни қўллаб-қувватлаш борасидаги муурожаотига жавобан Сайрам туман маслаҳати депутати Муҳиддин Сиддиқов ва “АМАНАТ” партияси Қорабулоқ бошланғич ташкилоти раиси Улуғбек Боялиев ташаббуси билан “Ошбулоқ” марказий масжиди, “САНИҲ” ва “АДАЛ КОМЕК” хайрия жамғармалари ёрдамида Туркистон вилоят ҚХА ва вилоят ёшларининг “Мурувватли юрак” ва “Юракдан юракка” акциялари доирасида инсонпарварлик ёрдами жўнатилди.

Бу эзгу ишга “Сайрам” хусусий мактаби, “NIK GROUP” МЧБ, “Ауқан” МЧБ, “Нурлы-мед”, “Ал-Кәусар” клиникалари, “Саховатли аёллар” гуруҳи, шунингдек, қорабулоқлик кўплаб тадбиркорлар салмоқли ҳисса қўшишди ва жами 6,5 миллион тенгелик кийим-кечак, озиқ-овқат, кундалик турмуш учун зарур маҳсулотлар жўнатилди.

З. МҮМИНЖОНОВ.

»» Кенгашганга – кенг дунё

АЭС қурилиши муҳокама қилинди

ЁКИ БУ БОРАДА ЖАҲОНДАГИ ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНИШИМИЗ КЕРАК

Туркистон шаҳрида вилоят маслаҳати депутати, фуқаро альянси жамоат бирлашмаси раҳбари Инара Намазбаева раислигида ўтган жамоатчилик кенгашида атом электр станцияси қурилишига оид муҳим масала муҳокама қилинди.



ҚР Президенти Қ. Тўқайев АЭС қурилиши масаласини жамоатчилик томонидан кенг муҳокама қилиниши зарурлиги Қозоғистон халқига Мақтубида таъкидланган эди.

Қозоғистон атом ядро физикаси, Халқаро Қозоқ-Турк университети, экология соҳаси олимлари, энергетика вазирлиги мутасаддилари ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этган анжуманда И. Намазбаева масаланинг моҳияти ва статистик маълумотларга тўхталди.

Экологик жиҳатдан энг соф ҳисобланадиган атом энергетикаси жаҳонда кенг қўлланилмоқда. Хусусан, АҚШда 94, Россияда 37, Хитойда

56та атом реакторлари электр энергия ишлаб чиқармоқда. Европанинг тараққий этган барча давлатларида АЭСлар ишлаб турибди. Қўшни Ўзбекистон ҳам АЭС қурилишини бошлади. Атом энергетикаси қуввати шубҳасиз, барча ёнилғу турларидан самаралироқ.

Масалан, 4,5 грамм уран қуввати 350 кг. нефть, 400 кг. кўмир, 360 куб. метр газ ёнганида ҳосил бўладиган энергия миқдорига тенг. АЭС барпо этилган, узоқ йиллар давомида узлуксиз энергия ишлаб чиқаради. Айни пайтда Қозоғистонда электр энергиясини ишлаб чиқараётган корхоналарнинг 70 фоизи эскирган.

Улар янгиланиши керак. Хавфсизлик масаласида. АЭСда 4,5 фоиз бойитилган уран ишлатилади. Ядро қуролида эса бу нисбат 90 фоиздан юқори. Фарқ жуда катта.

Мамлакатимизнинг етакчи олимлари ҳамда вилоят медиация кенгаши раиси Б. Бисембаев, фахрийлар кенгаши раиси Б. Ширинбаев, оқсоқоллар кенгаши раҳбари Қ. Рисбеков ҳамда кўплаб зиёлилар ўз нутқида АЭС қурилишини қўллаб-қувватлади.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.

БИТИРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳридаги И. Охунбобоев номи тиббиёт билим юртининг турли йиллардаги битирувчилари учрашуви ташкил этилмоқда. Ташкилотчиларнинг телефон рақамлари:

+7702-582-38-65 (Одил Холмуродов);
+7702-284-62-47 (Маҳаммад Ирismetов);
+7707-570-36-33 (Раҳимшиқ Умаров).

Учрашувда иштирок этишни хоҳловчилар сони маълум бўлгач, тадбирнинг ўтиш жойи, кўни, вақти ҳақида қўшимча хабар берилади.

Ташкилий қўмита.

Дилноза ЕСЕНОВА,
Туроб Тўла номи
умумтаълим мактабининг
ташкilotчи муаллимаси.

»» Кенга кенг дунё

ASIA BREND КОРХОНАСИНИНГ ИБРАТИ

Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси, “Жанубий Қозғоғистон” газетасининг фаол обуначиси, таниқли тadbиркор Уйғун Иброҳим ўғли бунёд этган ASIA BREND мебель корхонаси сифатли маҳсулотлари билан танилган. “Алтын сапа” мукофоти билан тақдирланган.

Қозғоғистон халқи Ассамблеяси аъзоси Баҳодир Ирисметов раҳбарлик қилаётган вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси мурожаатига биноан, ASIA BREND корхонаси жамоаси сув тошқинидан зарар кўрган ватандошларимизга муносиб ёрдам кўрсатганини ифтихор билан қайд этамиз. Ҳамюртларимиз ҳиммати билан жўнатилган 46

млн. тенгелик кўмакда ASIA BRENDнинг муносиб ҳиссаси бор. Бу – янги иш ўринларини яратиш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш баробарида эл қорига камарбаста бўлиб, муҳтожларга кўмак кўрсатиш ибратидир. Шунингдек, ўтган ҳафтада Саврон туманида ASIA BREND саъй-ҳаракатлари билан амалга оширилган яна бир хушхабар шоҳиди бўл-



дик. Туман ҳокими Мақсат Танғатаров, вилоят маслаҳати депутати Баймахан Сулейменов, фаоллар Иброҳим Абишев, Тўраҳон Абдуразоқов, Жума-

дулла Абеновлар иштирокида туманда яна бир корхона ўз фаолиятини бошлаб, ўнлаб янги иш ўринларини тақдим этди.

Тadbиркорликни эл равақи ва тотувлиги йўлидаги кенг жамоатчилик фаолияти билан моҳирона уйғунлаштираётган тadbиркор Уйғун Абишевга мустаҳкам саломатлик, омад ва зафарлар ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: У. Абишев; Саврон тумани ҳокими иш-тирокида янги корхона ишга тушди.

Муаллиф суратга олган.



НОМЗОД КўРСАТИЛДИ

“AMANAT” партияси Сайрам туман филиалининг навбатдан ташқари LIV конференцияси ўтиб, уни Сайрам туман партия филиалининг ижроия котиби Қуаниш Сиздиқов очди ва олиб борди.

Анжуманда бошланғич партия ташкилотларидан сайланган 60 нафар делегат, жумладан, туман маслаҳати депутатлари, бўлим раҳбарлари, қишлоқ ҳокимлари, партия фахрийлари ҳамда “Jastar Ruhy” ёшлар қаноти аъзолари иштирок этди.

Кун тартибда жорий йил 19 майда ўтадиган Қорасув қишлоқ округи ҳокими сайловига партия номидан тавсия қилинган номзодни тасдиқлаш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Очқиқ овоз бериш йўли билан “AMANAT” партиясидан Абди-манат Нурсейити Бўрибеков Сайрам тумани, Қорасув қишлоқ округи ҳокимлигига номзод сифатида кўрсатилиб, туман ҳудудий сайлов комиссиясига тавсия қилинди.

Тadbир якунида партиянинг Сайловолди дастури доирасида амалга ошириладиган ишлар ижросига аниқлик киритилди.

“AMANAT” партиясининг Сайрам туман филиали.



»» Фикрат бовар қилмаган дунё...

“Тогойна” умумтаълим ўрта мактабида давлат арбоби, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 541 йиллигига бағишланган қатор тadbирлар уюштирилди. Шу жумладан, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди, бой адабий мероси, таълим-тарбия, халқ маънавияти юксалишига қўшган ҳиссалари ва лирик адабиётини ёритиш мақсадида Мирзо Бобурнинг 13-авлоди – Зайниддин Мавлонов билан учрашув ташкил этилди.

Тadbирда сўз олган туман таълим бўлими мудири Бекайдар Тўйлибаев, туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Усмонали Қодиров, иқтисодиёт фанлари доктори Абдулла Мадалиев, мактаб директори Жамол Қодиров ва бошқалар маънавий-маърифий тadbирларнинг ўқувчилар ҳаётидаги ўрни, бу борада белгилаб олинган мақсад ва вазифалар таълим муассасаларида маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш, ёшларда соғлом дунёқарашни шакллантириш имкониятини яратиб беришини таъкидладилар.

Маълумот учун. Кўплаб тарихчи олимлар бобурийларнинг буюк сулоласидан ҳеч ким қолмаган, деб кўп бора такрорлашади. Аммо асли Сирдарё вилояти, Боёвут туманида туғилган, ҳозирда Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи Зайниддин Мавлонов Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўғил авлод тарафидан шажарасининг 13-давомчиси ҳисобланади.

Унинг сўзларига кўра, инглизлар Ҳиндистонга ҳужум қилганида унинг 6 ёшли бобоси шаҳзода Мирҳазор (Мирзо Муҳиддин) Бобурийлар сулоласининг аёллари томонидан Қашмирга қочириб юборилди. Кейинчалик инглиз разведкаси шаҳзода ҳақида хабар топгач, у Қашмир-Қобул орқали Моваруннаҳрга келади ва Бухоро амирлигида яшаб, шу ерда оила қуради.

МИРЗО БОБУРНИНГ 13-АВЛОДИ БИЛАН УЧРАШУВ



Бироқ, 1920 йилда Бухорони эгаллаган Фрунзе бошлиқ қизил кўшинлар шаҳзода Мирҳазорни отиб ташлайди ва Зайниддин Мавлоновнинг отаси, Бобурнинг 14-авлоди Носириддин Мирзони оиласи билан Сирдарё (олдинги Мирзачўл)га сургун қилади.

Сирдарёнинг Боёвут туманида яшаган Бобурийлар сулоласининг бу авлодларини ҳеч ким билмайди, чунки уларига кўплаб таҳдидлар бўлгани боис, уйда “Кимлигини ҳатто кўшнига ҳам айтма”, деган қоида мавжуд бўлган.

Аммо ойна этак билан ёпиб бўлмайди, деганларидек, Бобурийлар сулоласининг давомчиси бўлган ушбу оила ҳақида аста-секин кўпчилик хабар топади. Аввалида кўпчилик ишонмаган. Аммо шажаранинг давомчиси бўлган Зайниддин Мавлонов кўплаб ҳужжатлар, китобларни ўрганиб, ҳақиқатдан ҳам Мирзо Бобурнинг авлоди эканлигини исботлайди.

Бундан ташқари, Зайниддин Мавлонов ҳозирда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қиз тарафдан авлодлари Ҳиндистонда эканлигини, улар Зайниддин ака билан кўришини ўнчалик хоҳламаганлигини ҳам айтиб ўтди. Ўзбекистонда Бобурнинг ўғли тарафдан авлодлари борлиги исботланса, Ҳиндистон ҳукумати уларга Тожмаҳалдан тушадиган маблағдан улуш ажратилишидан хавотирланган.

– Шундай қилиб, Бобурийлар авлоди эканлигини сир сақлашга мажбур бўлганмиз. Ҳиндистонни мустамлака қилган инглизлар Бобурийлар сулоласининг қиз ва аёлларига тегишган, бироқ бу сулоладан умуман эркак киши қол-



дирмаслик учун ўғил болаларини ўлдиришган. Улар Бобурийларда Амир Темур қони бор деб, кўршишган. Аммо Бобур авлодлари шундай оғир даврлардан ҳам машаққат билан ўтиб, бугунги кунгача етиб келган. Бобур авлодлари Қизил империя даврида ҳам ўзларини танитиши мумкин эмасди. Шу боис одамлар бу сулоладан ҳеч ким қолмаган, деб уйлашади, – деди у.

– 1956 йилда биринчи синфга бордим. Мактабга кетаётганимда ота-онам: «Мактабда

даданг ҳақида сўраб қолишса, оддий ишчи дегин, келиб чиқишимиз ва боболаринг ҳақида гапирмагин, – деб тайинлашган эди. У вақтларда ёш эдим. Шажара тўғрисида маълумотга эга эмасдим. Иккинчи синфда ўқиётганимда синф деворига осилган Бобур Мирзо портретига кўзим тушди. Бу менинг бобожоним деб қичқирдим, қувонганимдан. Ахир шунга ўхшаган портрет уйда ҳам бор эди-да.

Менинг отам Носириддин Мирзо бўлиб, 1896 йилда Бухорода таваллуд топган. Уларнинг отаси Мирзомирддин (Шаҳзода Мирҳазор) 1852 йилда Дехлида туғилган. 1857 йилда Ҳиндистон Англия колониясига айлангач, охириги бобурий тождор Абдузафар Сирожиiddин Муҳаммад Баҳодиршоҳ қамалда қолади. Шаҳзода Мирҳазор саройдагиларнинг бир қисми билан қолади. Бироқ, жуда кўпчилик жазоланади. Олти яшар шаҳзода Мирзо Муйиддиннинг тарафдорлари яширинча Ҳиндистоннинг шимолидаги бобурий подшоҳлар манзили бўлган Қашмирга олиб келади. 1880 йилда уни инглиз разведкаси топиб олади. Улар етиб келгунча, шаҳзода Қашмир – Қобул – Мозори Шариф – Термиз орқали Моваруннаҳрга олиб кетишади. Шу тариқа Бухорога келиб қолган шаҳзода Амир Сайид Олимхон хизматда бўлган, – дея ўтмиш ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашди Зайниддин Мавлонов.

Мактаб маъмурияти томонидан меҳмоннинг кифтига зарбоф тўн ёпилиб, эсдалик совғалари топширилди.

Б. ДЎСМАТОВА.



Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БЎРОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.
Тулелий – Баҳорой ДЎСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт – Хуршид КЎЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МЎМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулқибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтаарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригонч – Малика ЭЛПОЕВА. +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – «Жанубий Қозғоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги уқун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди.
KZ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.
«ERNUR-online» МЧБ Босмаҳонасида чоп этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.

Бюроғим: 971.

Нашр кўрсаткичи – 65486.

Адади – 11700 нусха.

Навбатчи муҳаррир: Мухтабар УСМОНОВА.

МАНЗИЛИМИЗ:

160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.

Электрон почта: janubiy@inbox.ru